### Тарихимизнинг унутилмас саҳифалари

# ОРИФ СИЙМО

Ҳар қандай даҳо муаллимдан таълим олади. Муаллими бор эл — маданиятли халқдир. Маданиятли халқнинг эса донишмандлари кўп бўлади. Улар машаққатларга қалқон бўлароқ зулматни ҳам тафаккур зиёлари билан чароғон этадилар. Ана шундай инсонлардан бири атоқли ўзбек педагоги, миллий мактаб таълимининг илмий асосчиларидан бири, 30-йиллар қатағони қурбони Шокиржон Раҳимий эди.

У 1898 йилда Тошкентнинг Себзор даҳасидаги «Чироқчи» кўчасида деҳқон-саводхон оилада туғилди. Отаси мулла Раҳимжон эскича таълимни яхши эгаллаганди, халқ болаларига одоб-ахлоқдан сабоқ берадиган мактабларда дарс ўтарди. Ёз ойларида далага чиқиб деҳқончилик билан ҳам шуғулланарди. Шунинг эвазига 8 фарзандини боқарди.

Шокиржон иккинчи фарзанд эди. Тўнғич ўғиллари Собиржон ва Шокиржонни дастлаб Раҳимжон муаллимнинг ўзи ўқитди. Бўлажак бу педагоглар ўз навбатида бешинчи фарзанд Ғафуржонни ҳам ёнларига олиб, унинг ҳам келажакда халқ учун фойда келтирадиган киши бўлиши йўлида жон куйдиришди.

Шокиржон Раҳимий 1909 йили иккинчи босқич мактабни тугатиб, рус-тузем мактабига ўқишга кирди. Унинг ҳужжатасровда сақланаётган, ўз қўли билан ёзган тушунтириш хатида шундай жумлалар бор: «...Бир йилга яқин Кўкалдош мадрасасида диний сабоқ олдим. Исломга, динга бўлган садоқатим шу ердан бўлғон».

«Кўкалдош»да Шокиржон Раҳимий қўшнилари — катта тижоратчи-педагог Ғулом Икромов, Тангриқул Ҳожи, Муҳаммадюсуф Норхўжаев, Йўлдош Ҳожизодалар билан бирга таълим олди. Бу зиёлилар маорифимизнинг ривожи йўлида кураш олиб бораётиб 30-йиллар қатағонининг қурбони бўлдилар.

Таниқли шарқшунос Азиз Лазиззода қатағон қурбонлари тўғрисида шундай деган эди: «Мен Шокиржоннинг акаси Собиржон билан дўст эдим. Себзорлик болалар билан Қўштут маҳаллалик бизлар ва Ўқчи маҳаллалик Акмал Икромов, Умар Қурбоний, Усмон Мусахоний, Кўкча маҳалласидан Санжар Сиддиқлар билан борди-келди қилиб, гап ердик, илиқ суҳбатлар қурардик. Бундай паллаларда Шокиржон ташаббус кўрсатиб, Умар Хайёмдан шеър ўқишни бошлаб юборарди. (У шеър ўқишга жуда уста эди). Орамизда бирон оғиз



бемаза, бефойда гап бўлмасди. Ўқиш, одам бўлиш, илонизи арава йўлларини тузатиш, кўприклар қуриш, мактаблар очиш каби хайрли ишлар ҳақида гаплашардик.

Кўриниши ёқимли, юзларидан нур томиб турадиган, қора қош, буғдойранг кўркам йигит эди Шокиржон. Ёзувда ўта ҳаттот, фикрлаши теран эди... У отилиб кетди, мен эса роса 10 йил ўтириб чиқдим...»

Шокиржон Раҳимий 1937 йил 23 августда ёзган таржимаи ҳолида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Мен 1922 йили олий маориф институтини тугатдим ва ўша санада фирқа сафига ўтдим. Уч йил Хокий мактабида она тили ва табиётдан сабоқ бердим. 1928 йили «Инпрос»га мудирлик қилғондан сўнг «Ўзбекистон» Давлат нашриётида мудирлик ва илмий муҳаррирлик қилдим...» (п —33391-иш, 4-жилд, 438—439-бетлар).

Шокиржон Раҳимий ўз устида тинмай ишларди. У Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Ғози Олим, Қаюм Рамазон каби таниқли филолог ва олимлар сафида ўз мустақил фикрига эга ўткир мактабшунос эди. Мактабшунослик ва она тилидан сабоқ беришнинг илмий-услубий қирраларини кўпроқ Элбек ва Ғози Олимдан сўрарди. Маслакдошлари ва тенгдошлари Фитрат, А. Зоҳирий, М. Рамзи, Элбек, Чўлпон, Шорасул Зуннун, Ғулом Зафарий, Тангриқул Мақсудий, Маннон Мажидий (Уйғур) ва Хуршид билан кўплаб анжуман ва тил қурултойларида, кенгашларда бирга бўлар, мазмундор чиқишлар қиларди.

Таниқли педагогда маориф ташкилотчилиги соҳасида алоҳида қобилият бор эди. Шу боис 1927 йили жумҳурият Халқ маорифи комиссарлиги томонидан Тошкентда ягона бўлган ишчилар факультетига директор қилиб юборилди. Бу лавозимда икки йилга яқин ишлагач, Москвага жўнатилди. У ерга Халқ маорифи комиссарлиги томонидан маданий-оқартув ва маърифат, театр соҳаларини эгаллаб келиш учун ўқишга юборилган гуруҳга бошлиқ қилиб тайинланди. Машҳур актёр ва маданият арбоблари Аброр Ҳидоятов, Маннон Уйғур, Бекжон Раҳмонов, Сора Эшонтўраевалар ўша йилларда Шокиржон Раҳимий мутасаддилигида Москвада ўқидилар.

— Мен Шокиржон аканинг укаси Ғафуржон Раҳимий билан «Намуна» мактабида бирга ўқиганман. Ғафуржон кейинчалик Ленинградда сабоқ олди, — деб хотирлайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Ҳомил Ёқубов, — 1963 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо қилиб сайланди. Электротехника бўйича таниқли олим эди, 20 йилча бўлди, у вафот этди. Акаси Собиржон Раҳимий ҳам таниқли тил-адабиёт муаллими эди. 20-йилларда Собиржон ака маориф комиссарлигида катта усулиятчи мутахассис эди, ҳатто раҳбарлик ишларида ҳам ишлаганди. Унинг ўғли Ҳикмат Собиров ҳозир иқтисод фанлари доктори, профессор...

1923—1924 йиллар бўлса керак, Шокиржон Раҳимий Тошкент вилояти халқ таълимига бошчилик қилди. Бу даврда қишлоқ ва овулларда кўплаб мактаблар очди... Шокиржон ака маҳаллий миллат вакилларидан ўқитувчилар тайёрлаш, олимлар етиштириш учун жон куйдирган фидойи инсон эди. У кишида миллий эътиқод кучли эди. Бир сўз билан айтганда, ўзбек мактабларининг тақдири, уларда таълимнинг қўйилиши, услубшунос муаллимлар тайёрлашнинг илмий асослари, алифбо ва ўқиш китобларининг замонавий структураси, пухта дарсликлар тузишнинг моҳияти тўғрисида жуда қайғурарди, булар тўғрисида кўплаб мақолалари, дарслик ва қўлланмалари чоп этиларди.

Аниқ эсимда, 20-йиллар ўрталарида Шокиржон ака менга ўзлари ёзган «Ислом тарихи» китобини бердилар. Бу китоб жуда чиройли муқовада босилган эди. Эшитишимча, кейинчалик бу китоб Шокиржон Раҳимийнинг қатағон бўлишларига катта «ҳисса» қўшган экан.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Миллий мактабларимиз учун, айниқса, бошланғич мактаблар учун алифбо, ўқиш китоби чиқариш бобида Шокиржон ака олдига тушадиган саводхон, кучли ва сермаҳсул олим-педагог бўлган эмас...

Шокиржон Раҳимий яратган дарсликлардан 1921 йилда Туркдавнашр томонидан босилган «Совға» — расмли алифбе», 1924 йилда чоп этилган «Совға» — болалар учун алифбе-дарслик», 1925 йилда босилган «Совға» — биринчи синфлар учун алифбе» каби ўндан ортиқ китоблар кейинги йилларда нашр этилган барча алифбеларга ҳақли равишда асос бўлган...

Шокиржон Раҳимий ўз илмий-педагогик қарашларида ҳамиша мактабга мухтасар ва одилона таъриф бериб: «...мактаб ўқувчиларни ўқитибгина қолмай, уларнинг бутун руҳий олами ва жисмоний кучларини ўстириши, дунёқарашини тарихий анъаналар руҳида тарбиялаши, ватанни севувчи фуқаролар етиштириш билан банд бўлмоғи лозим», дерди. Қисқа, лекин бой илмий-педагогик фаолияти давомида 21 номда мактабшунослик ва тарбияга доир дарсликлар, қўлланмалар ва мактаб ҳаётига тегишли илмий-услубий мақолалар битиб, 20 ва 30-йилларнинг нуфузли журнал ва газеталарида эълон қилганди. Унинг китоблари ўша давр бошланғич мактаблари учун ягона ўқув қуроли вазифасини ўтаган, халқ болалари ана шу алифбе ва дарсликлар орқали савод чиқаргандилар.

Шокиржон Раҳимийнинг «Маориф ва ўқитғувчи», «Аланга», «Ер юзи», «Ўзгаришчи ёшлар» сингари журналлар, «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи», «Камбағал деҳқон» каби газеталарда мактаб ҳаёти ва тарбияга доир, ўқиш ва ўқитишга тегишли кўплаб мақолалари эълон қилинган. Жумладан, «Маориф ва ўқитғувчи»нинг 1926 йилги май сонида «Лотин алифбоси учун кўриниш», «Ер юзи»нинг 1926 йилги 5-сонида «Нашри маориф» нима?», «Маориф ва ўқитғувчи»нинг 1929 йилги 6-сонида «Ўқитғувчиларнинг маълумотларини ошириш», шу журналнинг 1925 йилги 3-сонида «Этнография коллексияси», «Иштирокиюн» газетасида «Тил ва имло» (1920 йил 20 ноябрь), «Ўқувчилар учун яна қандай қўрслар керак?» (1920 йил 27 февраль) сингари мақолалари чоп этилган. Бу мақолалар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Шокиржон Раҳимий ўз қарашларини дастлаб амалий жиҳатдан синаб кўрар, сўнгра назарий қоидалар яратарди. Шу боис «Туркистон» рўзномасининг 1923 йилги 8 апрель сонида эълон қилган «Мактабларда қоида ёдлатишдан қочайлик» мақоласида: «Болага таълим берганингизда ишонтириш йўлини қўлланг. Ишонтириш эса қуруқ қоида ёдлатиш билан бўлмайдир. Бу унинг тинглаётгон нарсасига ишонч, фикр қилиш, кўриш ва ички сезишлари орқали рўёбга чиқсун. Ўтгон нарсангиз ҳақида бола фикр қилмас экан, у ўша нарса ҳақида тасаввурға ҳам эга бўлмай, қотиб қоладир», деб ёзганди. Олимнинг бу фикрлари бугунги мактаб таълимига ҳам тўла тааллуқлидир.

Шокиржон Раҳимий ўзи яратган дарслик, дастур ва қўлланмаларига ўта талабчанлик билан ёндашар, унинг нуқсонларини кўрсатувчиларга миннатдорчилик билдирар, камчиликларни зукколик билан тузатарди, ўзи яратган ҳар бир алифбени мунтазам такомиллаштириб борарди. Масалан, 1930 йилда чоп этилган, қишлоқ болалари учун тузилган алифбесини тўрт йил ичида тўрт марта қайта ишлаб, мукаммаллаштирди. Бундай талабчанлик билан ишлаш, шубҳасиз, барча таълим ва сабоқларнинг асоси бўлмиш алифбенинг илмий-услубий савиясини оширар эди.

Олим-педагог саводхонликнинг калитини алифбе яратишда, деб биларди. Болада миллий ғурур ва миллий эътиқодни тарбиялаш бошланғич, аниқроғи, биринчи синфдан бошланади, деб қарарди. Шу сабабли «Аланга» ойномасининг 1927 йилги 6-сонида чоп этилган «Совға»лар такомил қиладир» мақоласида: «Болаларимизнинг онгига ўқитатурғон нарсаларимизни тўла етказиш ва уларда миллий онгини тўла шакллантириш учун алифбеларимиз тузилиши ва улардаги матнлар тўла ўз ҳаётимиздан, кундалик турмушдан бўлса, дурустдир», деб ёзади. Ўзи ҳам шу тамойилга риоя қилди. Савия ва тушунча жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ўз алифбеларини қишлоқ болалари ҳамда шаҳар болалари учун алоҳида-алоҳида қилиб тузди. Унинг, жумладан, «1930 йилнинг 23 июнь куни Ўзбекистон Илмий Шўроси китоблар қўмиссиясининг тарихли мажлис қарори билан босувга маъқуллангон» қишлоқ болалари алифбеси — «Савод» юқоридаги тамойилга кўра тузилган эди. Бу алифбени варақлар экансиз, унинг илк саҳифаларида мактаб ҳовлисини, сўнг синф хонасини, дарс ўтаётган беқасам чопонли, дўппили муаллим китоб ушлаб ўтирганини, ўқувчилар муаллимга зеҳн солиб туришганини кўрасиз. Кейинги саҳифаларда стол, стул, парта ва унинг устида довот, бўёқ, қалам, чўтка ва қалам учлаш учун пакки тасвирланган. Навбатдаги саҳифада болалар партада ўтириб сурат чизишмоқда...

Тузувчи шу тартибда болани мактаб қучоғига етаклайди. Кейинги варақларда тартиби билан алифбо ҳарфлари ҳам босмада, ҳам ёзмада суратлар билан берилади.

Шу ўринда бир муҳим далилга эътиборни қаратамиз. Дарсликнинг 25-бетида «Шолғом» матни берилган. Тузувчи ушбу матн орқали болага **ме — М** ҳарфини ўргатмоқчи. Матнга илова қилинган суратда тупроққа чуқур илдиз отган шолғомни суғура олмай етти киши занжир бўлиб тургани қизиқарли тасвирланган. Бу манзара «стабиль» алифбеларимизда яқин кунларгача «саёҳат» қилиб келди. Ёки китобнинг 58-саҳифасидаги «Гиз-гиз» матни орқали з ҳарфини ўрганиш негизига қурилган кўприк ва унинг устида сузишаётган икки қўчқор расмини олайлик. Бу расм ҳам дарсликларимизда 74 йилдан буён «яшаб келмоқда», ўтган давр ичида қўчқорлар такаларга айлантирилган, холос...

Ўзбек миллий мактабшунослигида мазмунан бой, тузилиши жиҳатидан оригинал ва ғоявий баркамол алифбе дарсликлари, ўқув қўлланмалари, дастурлари яратган, маориф ишининг ташкилотчиси ва жонкуяри, маҳоратли муаллим бўлган Шокиржон Раҳимий адолатсиз тузум қурбони бўлди. У 1938 йил 5 октябрда қатағончилар томонидан отилди. Ҳужжатасров материалларини варақлар эканман, бу зиёбон инсоннинг сиймоси акс этган суратни изладим. Ниҳоят, «Маориф ва ўқитғувчи» ойномасининг 1926 йилги 6-сонида атоқли тилшунос-педагоглар Элбек, И. Иномов, Назир Тўрақулов, Ашурали Зоҳирий ҳамда Шокиржон Раҳимийлар бирга тушган сурат берилганини аниқладим. А. Навоий номидаги миллий кутубхонанинг ноёб китоблар бўлими бошлиғи Раҳимжон Файзуллаев ёрдамида суратдан нусха кўчиртириб олдим. «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг мусаввири Маҳмуд Жўраев шу нусха асосида Шокиржон аканинг портретини чизиб берди. Сизга ҳавола этилган сиймо ана шу чизгидир.

Тадқиқотчи сифатида менда Шокиржон Раҳимий авлодлари, оиласини топиш, аниқлаш фикри ҳам туғилганди. Ўша кунларда «Ўзбекистон овози» рўзномасининг ходими, таниқли журналист Исмоилжон Сулаймонов хонасида бир нуроний олим билан учрашиб қолдим. Бу одам Шокиржон Раҳимийнинг жияни — Тошкент Иқтисодиёт университетининг кафедра мудири, таниқли иқтисодчи олим, профессор Ҳикмат Собиров экан.

— Амакимни 1937 йили, адашмасам, 18 июлда Тахтапулдаги ҳовлимиздан кечаси олиб кетишган, — деб хотирлади профессор. — Ўшанда мен 14 ёшларда эдим. Ўша куни уйдаги бор нарсаларни, бирон варақ қоғоз ҳам қолдирмай, олиб кетишди. Амакимнинг ҳамфикрлари ва дўстлари Элбек, Фитрат, Чўлпон, Ғози Юнусларни ҳам бир вақтда қамашган...

Ҳужжатларнинг кўрсатишича, 30-йилларда авж олган сотқинликлар ва айғоқчиларнинг «хизмат»лари билан амалга оширилган қатағонларнинг асосий сабаби сифатида «миллатчилик, аксилинқилобчилик, шўроларга қарши» каби «айбловлар» кўрсатиларди. Ёзувчилар, журналистлар, педагогларга эса кўпроқ «Чиғатой гурунги»нинг ва «Миллий иттиҳод»нинг аъзоси деган тавқи лаънат муҳрланарди. Шокиржон Раҳимий ҳам «Чиғатой гурунги»нинг фаол аъзоси ҳамда «Ишчилар тўдаси» аксилинқилобий ташкилотининг етакчиларидан бири сифатида қамоққа олинган эди (109617-иш, 168-бет).

Айбловга қўшимча қилиб Шокиржон Раҳимий дўстлари — мазкур ташкилотларнинг арбоблари Боту, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Мирзоҳид Мироқилов, Чўлпон, Ғози Юнус, Элбек, Қаюм Рамазон, Бекжон Раҳмоновлар билан бирга марксизм-ленинизм дунёқарашини ўрганган кишилар сифатида ниқобланиб, аслида ташкилот орқали инглизлар, бошқа Оврўпо давлатлари орқали шўроларга қарши зимдан кураш олиб боришда фаол қатнашган, деган «ёрлиқлар» тақалди. Шунингдек, олимнинг «Ислом тарихи» китоби ҳам унинг тақдирини ҳал этишда далил деб қаралди ва «исломни ташвиқ қилувчи, пантуркист» деган сифатларни тиркаш ҳам «муҳим» роль ўйнади.

Шокиржон Раҳимий каби маърифатпарварлар шўро тузуми қаршисида бир улкан тоғ янглиғ тўсиқ, инқилобий бир армия сифатида гавдаланарди. Мустамлакачиликка хос сиёсатнинг мақсади халқларни узоқ даврлар мобайнида мутеликда тутиб туришдан иборат эди. Шу боис улар босиб олинган ўлкаларнинг зиёлиларини таъқиб қилишга, йўқотишга интилдилар. Чунки зиёбонлар эл кўзини очиши, истиқлол туйғуларини қалбларда жўштириши аниқ эди. Тарихий далилларнинг гувоҳлик беришича, қатағонлар туфайли 1937—1939 йилларда «учлик»лар томонидан отиб ташланган 6920 бегуноҳнинг 1571 нафари маорифчилар эди.

Қуюн зулмати қанчалар қуюқ бўлмасин, ҳаётбахш зиёни йўқотолмайди. Мустақиллик зулмат пардаларини чилпарчин қилди. Истиқлол халққа ўзлигини танишга, қадриятларини эъзозлашга имкон яратди. Эндиликда Шокиржон Раҳимийдек зиёбонлар маънавиятимиз сарчашмаларида ёрқин юлдуз мисоли чарақлайверади.

**Ҳайдарали УЗОҚОВ,**
**Тошкент кимё-технология институти доценти, филология фанлари номзоди.**

### *Халқ таълими фидойилари*



# МАКТАБ МУЗЕЙИНИНГ ДОВРУҒИ

Наманган шаҳридаги Ирисбек Назаров номидаги 40-ўрта мактабда бундан 30 йил муқаддам ташкил этилган ўлкашунослик музейининг довруғи бутун жумҳуриятимизга маълум.

Ўз ишининг фидойиси, тиниб-тинчимас география ўқитувчиси Абдуллажон Нуриддинов музейга материаллар тўплашга 1961 йилдан киришди. 1964 йилда мактаб ўлкашунослик музейи ташкил этилди.

Дастлаб бир хонадан иборат бўлган музей материаллари йил сайин бойиб, қўшимча хоналар очиш эҳтиёжи туғилди. Мактаб педагоглар жамоатчилигининг саъй-ҳаракатлари натижасида 1974 йилдан қўшимча хоналар очилди. Ҳозирги кунда ўлкашунослик материаллари 10 та хонадан иборат. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган бўлим ўтган йили очилди.

Биз музейнинг тарих хонаси, маданий-маърифий хонаси, табиат хонаси, оламга саёҳат хонаси, жанговар ва меҳнат шуҳрати хонаси, мактаб тарихи хонаси, экология хонаси, геология хонаси, фонд хонасини бирма-бир кўздан кечириб, ўқитувчининг, қолаверса, бутун мактаб педагоглар ва ўқувчилар жамоасининг ихлос билан қилган меҳнатларининг гувоҳи бўлдик.

Музей ҳақида газетамизда 1964 йилда ҳам мақола эълон қилинганди. Ўшанда Абдуллажон Нуриддинов келгуси режалари катта эканлиги ҳақида гапирганди. Йиллар ўтди. Бу даврда у ўз тажриба ва маҳоратини юртда, собиқ иттифоқ педагогик ўқишларида беш марта, республика педагогик ўқишларида 12 марта намойиш этди. 1991 йили Фарғонада бўлиб ўтган республика педагогик ўқишларига ўз иш тажрибаси акс эттирилган бой материалларни олиб борди.

Биз моҳир ўқитувчи, самимий инсон билан халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида, кейинчалик газетамизнинг 60 йиллик юбилейи кунларида ҳам дилдан суҳбатлашганмиз.

Абдуллажон аканинг ўлкашунослик музейи ташкил этиш тажрибаси, унинг болаларни ишга жалб этиш маҳорати диққатга сазовордир.

— Музейимизни ташкил этишда тўпланган материаллар билан хоналарни безатишда ўқувчилар фаоллигини ошириш йўлларидан фойдаландим, — деб ҳикоя қилади у. — Ўқувчиларни қизиқтириш учун яхши кўргазмали материал ишлаган болалар исми ва фамилиясини чиройли қилиб ёзиб қўйдим. Шундан сўнг улар шундай ишлар қилишдики, бунга ўзим ҳайрон қолдим. Ҳатто бир ўқувчим катта фанерга Ўзбекистон харитасини айнан картадек чизиб, катта шаҳарлар ўрнига кичкина лампочкалар ўрнатиб, электр қувватидан фойдаланиб, ажойиб кўргазмали қурол ясади.

Ўзингизга маълумки, Наманган қадимдан ҳунармандлар, заргарлар, кулоллар, косиблар шаҳри бўлган ва атроф шаҳарлар билан савдо-сотиқ ишлари ривож топган марказ ҳисобланади. Шу туфайли ҳар бир хонадонда хорижий мамлакатлардан келтирилган қадимий рўзғор асбоблари, кийим-бош, танга-чақа пуллар ва турли хил чинни асбоблар, тақинчоқлар кўп бўлган. Буларнинг кўпи ҳозир ишлатилмайди. Шу туфайли ўқувчилар бундай буюмларни музейга ҳадя этишди.

Мактаб ўлкашунослари кўп йиллардан буён туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган табиатшунослар конференцияларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишаётир.

Тиним билмас ўқитувчи ўз ўқувчилари билан ҳар йили саёҳат ва походларга чиқади.

Ўлка бўйлаб саёҳатлар мактаб музейи экспонатларини бойитиш омилларидан бўлди. Абдуллажон аканинг айтишига қараганда, ҳозирги кунда музейда тахминан 16 мингдан ортиқ буюм бор. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон маданият вазирлиги 1980 йилнинг 19 февралида музейга республика мактаблари орасида биринчи бўлиб «Халқ музейи» номини берди. Шундан кейин музей экспонатлари янада бойиб, хоналар торлик қилиб қолди.

Абдуллажон Нуриддиновнинг ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш борасидаги иш тажрибаси ибратга лойиқдир. У музейдаги хоҳ осори атиқалар, хоҳ саёҳатлар натижасида топилган фойдали қазилмалар, хоҳ ўсимлик ва ёки ҳайвонот олами намуналарини кўрсатар экан, ўқувчиларда она юртимизга муҳаббат уйғотади, табиат ва унинг бойликларини асраб-авайлаш ҳақида тўлқинланиб гапиради. Музейдаги дарсларни жозибали ҳикоя дейиш мумкин.

Ўқитувчи ўз шогирдлари билан Шоҳимардонга саёҳатга чиққанида бир ҳафта давомида Ҳамза Ҳакимзода ҳақида ҳужжатлар, Шоҳимардон атрофидаги тоғ жинсларидан материаллар тўплаган. Мамай, Ўнгор тоғи, Арслонбоб, Наманган адирлари, Фарғона водийси атрофи, Қўқон довонидаги Гумбул тоғи, Ертош қишлоғи яқинидаги Поччаота тоғида гранит ва турли шаклдаги тоғ жинслари беҳисоб. Ўқитувчининг айтишича, улар 4000 тадан ортиқ.

Ўқитувчи билан сайр-саёҳатларга чиққан шогирдларидан кўпчилиги геологлик касбини танлаган. Акром Қирғизбоев, Луқмон Иномов, Раҳим Қозоқбоев ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мактаб ўлкашунослик музейидаги ҳар бир хона ҳақида алоҳида мақола ёзиш мумкин. Музей мазкур мактаб ҳақида, Наманган шаҳри ва вилояти, қолаверса, жонажон республикамиз ҳақидаги ёрқин ҳикоядир.

Абдуллажон ака билан музей ҳақида сўзлашсангиз, мактаб директори Ёқубжон Набиевдан тортиб фаррош Маълудахон Ҳожибековагача кўплаб кишиларнинг номларини мамнуният билан тилга олади. Айниқса дурадгор Аҳмаджон Дадабоевнинг 20 йилдан бери рамкалар ясаб, ёғоч ишларини заргарона бажариб келаётгани ҳақида оғзидан бол томиб гапиради. Шунингдек, бундан ўттиз йил илгари музей ташкил этиш ташаббускорларидан бўлган Собиржон Турсунов, Тоҳиржон Сатторов, Дилбархон Зоҳидоваларнинг ёрдамларини мамнуният билан эсга олади.

Шаҳардаги саноат корхоналари ва ташкилотлар мактаб халқ музейини жиҳозлашда моддий ёрдамни аяшмади. Абдуллажон ака Наманган машинасозлик заводи, халқ истеъмоли буюмлари заводи, электротерм заводи, 28-автокорхона, 10-қурилиш тресті, 15-авторемонт корхонаси раҳбарлари кўрсатган ёрдамдан беҳад хурсанд эканлигини айтди.

Мактаб ўлкашунослик музейи ўқувчиларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, байналмилаллик, чин инсоний хислатлар руҳида тарбиялаш маскани сифатида хизмат қилиб келмоқда. Бошланғич синф ўқитувчиларидан Мадина Кабирова, Маълудахон Ваҳобова, Нуриддин Қаюмов, Маълудахон Каримова, юқори синф ўқитувчиларидан Жўрахон Тошпўлатов, Симахон Соймова, Мукаррамахон Мелибоева ва бошқалар музейдан ўзларига керакли мавзуларни танлаб, одобнома ёки бошқа тематик дарслар ўтдилар. Наманганлик мактаб ўқитувчилари, кўплаб студентлар ҳам музей хоналари ҳақида рефератлар ёзишган.

Республика, вилоят матбуотида, телевидение ва радио орқали музей фаолияти ҳақида материаллар ёритилганлиги кўпчиликка маълум.

Бу йил музей ташкил этилганлигининг 30 йиллиги нишонланади. Бунга анчадан буён ҳозирлик кўрилаётир. Абдуллажон Нуриддинов шу сана муносабати билан яна кўплаб ҳужжатлар тўпланганини айтиб, музейнинг ертўлага жойлашган 6 та хонасида қимматли ҳужжатлар сифатини йўқотаётганини ташвишланиб гапирди. У қўшимча хона қуриб бериш юзасидан шаҳар мутасаддиларига ёрдам сўраб ёзилган илтимоси амалга ошишини орзиқиб кутаётир.

Ўзининг қирқ йиллик педагогик фаолиятини ёшларни элюртга садоқат руҳида тарбиялашга бағишлаган камтарин, сахий қалб эгаси, олий тоифали география ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Абдуллажон Нуриддиновнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими,**

**Ғафур МАННОПОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

**Суратда: ўлкашунослик музейи тарих хонасида.**

### *Соғлом авлод учун*

# ДАРДНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ



Яраш Эшпўлатов Шаҳрисабз туманидаги Мироқи посёлкасида жойлашган болалар касалхонасида шифокор бўлиб ишлайди. Унинг кундалик ҳаёти бошқаларникидан деярли фарқ қилмаса-да, сермазмун. Ўн етти йилдирки, шифокорлик касби кетидан рўзғор тебратади, ўз мутахассислиги устида тинимсиз изланади.

Яраш ака камтарин инсон. Ўрганганларини ҳамиша ҳамкасблари билан баҳам кўради, қилган ишлари билан мағрурланмайди.

— Илгарилари болалар соғлиғини муҳофаза қилиш фақат қоғоздагина бажарилардди,— дейди Яраш ака.— Ёш авлодга келажакнинг вориси сифатида эмас, таъбир жоиз бўлса, кўпроқ катталар кўмакчиси сифатида қаралади. Бу ўнлаб ёшларимизнинг ногирон, хаста ва дардчил бўлиб ўсишларига, ҳарбий хизматда ҳам фақат қурилиш ишларидан бошқасига ярамайдиган даражага келиб қолишига сабаб бўлди.

Хайриятки, юртимизда истиқлол шабадаси эсиб, ўзлигимизни намойиш қилиш, фарзандлар тарбиясига ҳам кўнгилдагидек эътибор бериш пайти келди. Бундан руҳланган шифохонамиз мутахассислари «Соғлом авлод» дастурини ишлаб чиқдилар. Эндиликда ишлар шу асосда олиб борилаяпти. Чунончи, шифохонада мактабгача ёшда бўлган болалар соғлиғини назорат қилиш билан бирга, ҳудудимизда жойлашган 2 та мактаб, 1 та мактаб-интернат ҳамда болалар боғчаларининг тарбияланувчилари саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам кундалик ишларимиздан бирига айланган.

Афсуски, эзгулик йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларимиз айрим ҳолларда зое кетмоқда. Бунга биринчи галда ота-оналаримиз сабабчи бўлиб қолаяпти. Масалан, бола тарбиясида овқатланиш, тозаликка риоя қилиш масалалари кўп тилга олинади. Аммо бунга амал қилмаслик, шунингдек, касалликнинг бошланиши жараёнида шифокорга мурожаат этмаслик турли хасталикларни келтириб чиқармоқда.

Биз масаланинг шу жиҳатларини ўйлаб дастуримизга алоҳида бир банд киритдик. Унда уйма-уй юриб ҳар бир хонадон соҳиби билан суҳбатлар ўтказиш, дастурдан бир нусхасини уларга тақдим этиш, ҳар бир хўжалик учун «Тозалик дафтари» тузиб, доимий назорат қилиб, баҳолар билан белгилаш, ҳар уч ойда умумий йиғин ўтказиб, яхши оилаларни тақдирлаш кўзда тутилган. Қисқа фурсатда натижалар биз кутгандан ҳам зиёда бўлди. Энг муҳими, болалар ўртасида турли касалликлар тарқалишининг олди олинди.

Бироқ бозор иқтисоди шароитининг ўткинчи инжиқликлари, етишмовчиликлар биз шифокорларни ҳам, бир оз бўлса-да, шошириб қўймоқда. Айтайлик, техник асбоб-ускуналарнинг камёблиги ёки ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги ҳали кўп ишларни амалга оширишимизни тақозо этади. Жамоамиз кенгаши масаланинг бу жиҳатларини ўйлаб, турли тоғ гиёҳларидан шифобахш малҳамлар тайёрламоқда.

Хуллас, Ўзбекистонимизга соғлом авлод етказиб бериш учун қўлимиздан келган меҳнатимизни, изланишимизни, тажрибаларимизни аямаймиз. Зеро, кексалар излаган имкон топади, деб бекорга айтишмаган.

**Мухбиримиз.**

**Суратда: Яраш Эшпўлатов касаллик варақаларини кўздан кечирмоқда.**

